

Катта Лангар Мусхафи реставрация қилинмоқда



17:55 / 12.11.2019 1929

Қуръоннинг энг қадимги ва нодир қўлёзма нусхаларидан бири ҳисобланган Катта Лангар Қуръони франциялик мутахассислар томонидан реставрация қилинмоқда. Бу ҳақда kun.uz манбаси хабар беради.

Катта Лангар Қуръони Қашқадарё вилояти Қамаша туманидаги Лангар ота масжидида узоқ вақт сақлангани боис шундай ном олган бўлиб, Ислом оламидаги энг қадим тарихга эга Мусхаф қўлёзмаларидан бири саналади.

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси шаъфелигида мазкур қўлёзма саҳифаларини реставрация қилиш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур жараёнга Франциянинг Лувр музейи реставратор мутахассислари жалб қилинган.

Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси вакили, реставрация лойиҳаси куратори Шаҳноза Ишматованинг маълумот беришича, реставрация ишлари уч босқичда олиб борилиши режалаштирилган.

6-12 ноябрь кунлари тиклаш ишларининг биринчи босқичи якунланди. Кейинги йилнинг февраль ойидан реставрация давом эттирилади, сентябрь ойидаги учинчи босқич ишларидан сўнг жараён якунланади.

«Ҳозиргача 5та саҳифа муваффақиятли тарзда тўлиқ реставрация қилинди, улар ҳозир босмада сақланмоқда», – дейди лойиҳа куратори.



Реставрация жараёнини олиб бораётган мутахассислар Kup.uz билан суҳбатда қўлёзманинг ҳолати ҳақида гапириб берди.


«Катта Лангар Қуръонининг [Ўзбекистон Муслмонлар идорасида сақланаётган қисми] 12та бирлаштирилган саҳифа ва битта алоҳида – жами 13та саҳифадан иборат. Саҳифалар XIX асрда муқоваланган. Қуръоннинг ўзи эса VIII асрда битилган деб ҳисобланади.

Саҳифалар пергаментдан тайёрланган. Бу маҳсулот бузоқ терисидан тайёрланган. Ёзувларни тушириш учун қаламдан фойдаланилган. Стандарт сиёҳ (iron gall ink) қўлланилган. Ёзувлар устидан қўшимчалар киритилган. Сўзлар талаффузи аниқроқ бўлиши учун қизил сиёҳ билан белгилар қўйиб чиқилган.

Пергаментлар мустаҳкам сақланиши учун боғлаб чиқилган, бироқ улар саҳифаларга қараганда чидамсизроқ. Шунинг учун биз саҳифаларни бирлаштириб турган боғламни ечдик», – дейди Лувр музейи реставратор мутахассиси Аурель Стрери.

Франциялик реставратор Аксель Дело қўлёзmani тиклаш жараёнига тўхталди.





«Катта Лангар Қуръонини тадқиқ қилгандан сўнг уни тиклаш ишлари бошланди. Ишни ҳар бир саҳифанинг сиёҳини қуритишдан бошладик. Аввал ёпиштирилган қоғозларни, зарарланган қисмларга ямалган бўлакларни кўчириб олдик. Сўнг қоғозларга дам берилди. Улар жуда ҳам қуруқ бўлиб қолган, эгилувчанлигини йўқотган эди. Бу эса ҳужжат билан ишлашда хавф туғдириши мумкин. Шунинг учун қоғозни юмшатиш мақсадида кедр мойидан фойдаландик.

Сўнг саҳифалар босмага қўйилди. Босма учун япон қоғози парчаларидан фойдаланилди. Чунки бу қоғоз яхши толадан таркиб топган ва чидамли. Ёзув учун қоғоз юзасига жуда яхши сингадиган махсус сиёҳ ишлатилди. Йўқолган жойларни тиклаш учун корейс қоғози қўлланилди», – дейди мутахассис.



Катта Лангар Қуръонининг Ўзбекистонга қандай келиб қолгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Илмий тадқиқотлар хулосасига асосан, қўлёзманинг битилиши VIII асрнинг охири чорагида – араб грамматикаси қоидалари шакланган даврга тўғри келади.

Тахминларга кўра, Катта Лангар Қуръонининг умумий ҳажми 206 саҳифани ташкил этган. Ҳозиргача уларнинг фақатгина 97таси сақланиб қолган. Қолган қисмининг тақдири номаълум.

Саҳифаларнинг 81таси Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади, бу ерга ўтган асрнинг 30-йиллари охирида келтирилган. Қўлёзма қандай қилиб Россияга бориб қолгани аниқ эмас.



Ўзбекистонда мавжуд 16та саҳифанинг биттаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари институтида, иккитаси Бухорода (Бухоро вилоят кутубхонаси ва Бухоро давлат музей қўриқхонасида) сақланмоқда.

Нодир қўлёзманинг 13та саҳифаси Ўзбекистон мусулмонлар идораси кутубхонасида муҳофаза қилинади.

Islom.uz портали таҳририяти